# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

# ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Хорижий тиллар факультети**
**Инглиз тили ва адабиёти кафедраси**

**406 – гуруҳ талабаси Абдуллаева Гулнора**

**“ИККИНЧИ СИНФ ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛИГИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР” мавзусидаги**

***(5141400 - Инглиз тили ва адабиёти йўналиши) бўйича бакалавр даражасини олиш учун ёзилган***

# Б И Т И Р У В М А Л А К А В И Й И Ш И

**Илмий раҳбар: доц. М.А.Абдувалиев**

**Андижон – 2014 й**

Мундарижа

Кириш

Биринчи боб. Кичик мактаб ёшдаги ўқитувчилар учун чет тил дарсларини ташқил қилиш масалалари.

1.1 Кичик мактаб ёшнинг умумий тавсифи.

1.2 Кичик мактаб ёшдаги ўқитувчилар учун чет тил дарсларини ташқил қилишнинг лингвистик асослари.

1.3 Кичик мактаб ёшдаги ўқитувчилар учун чет тил дарсларини ташқил қилишнинг дидактик асослари.

Иккинчи боб. Замонавий педагогик кадрлар тайёрлашга қуйиладиган талаблар ва иккинчи синф ўқувчилари учун Инглиз тили дарслигини яратиш масалалари.

2.1 Чет тил укитувчиси ва унгинг шаҳсига қуйиладиган талаблар.

2.2 Умум таълим мактабларининг иккинчи синф ўқитувчилари учун инглиз тили дарслиги яратиш масалалари.

Учинчи боб. Иккинчи синф инглиз тили дарслиги яратиш буйича услубий тавсия ва машқлар.

3.1 Инглиз тили ўқиш китобини яратиш буйича тавсия ва машқлар.

3.2 Инглиз тилидан ўқувчилар ишчи дафтарини яратиш буйича тавсия ва машқлар

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

Кириш.

XXI аср бошларига келиб Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатиш масалалари давлат сиёсати даражасига кутарилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тиллар ўргатиш тизимининг янада такомиллаштириш[1] чора-тадбирлари туғрисидаги" ПҚ-1875–сонли қарорини алоҳида таъкидлаш лозим. Қарорда замонавий чет тил ўқитувчисининг касбий билим ва педагогик маҳоратига қуйиладиган замонавий талаблар, янги авлод ўқув адабиётлари яратиш, ўқитиш услуб ва технологияларини жаҳон андозалари даражасига кутариш бу жараёнда кенг халқ оммасини, хусусан ўзлЎксиз таълим тизимининг барча босқичларини қамраб олиш олий таълим муассасаларига қабўл, ўқитувчиларга бериладиган имтиёзлар, бу борада телевидение, радио ва нашриётлар фаолиятини йулга қуйиш каби қатор мухим вазифалар баён этилган.

Шунингдек, ушбу масала И.А. Каримовнинг 2013 йил 17 –декабирдаги 2013 йилда республиканi ижтимой-иқтисодий ривожлантириш натижалари ва 2014 йилги иқтисодий дастурининг энг муҳим устивор вазифалари мавзусида Вазирлар Махкамаси йиғилишида қилинган маърўзасида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, қисқа муддатларда умум таълим мактабларининг 1-синфларида инглиз тилни ўргатиш йулга қуйилгани, 2000 дан зиёд чет тил ўқитувчилари таёрлангани уларнинг сони бугунга келиб 26000та ни ташқил этгани, 1-синфлар учун "Kid's English" каби ўқув мажмуалар воситалар таёрлангани, вилоят ва марказий телевидениялар орқали "Magic English" каби ўқув дастури намоишлари мунтазам йулга қуйилганлиги, махсус журнал ва газета саҳифаларида инглиз тили машғулотлари олиб борилаётгани тилга олингани баробарида, бу борадаги кечиктириб бўлмайдиган вазифалар ҳам айтиб утилган.

2012 йилнинг декабр ойидан шу кунга қадар бу борада қуйидагилар мувафоқиятли тарзда амалга оширилди:

---

[1] Халқ сўзи 2012, 11 декабр, 1-5 саҳифалар

- Ўзлуксиз таълим тиллар ўқитувчиларнинг барчаси хорижда ва республикада малака ошириш курсларини ўтадилар.

- Чет тил ўқитувчилари бу борада жаҳон миқёсида эришилган ютуқларни ўрганиш, тажриба алмашиш учун Буюк Британия, Америка Қушма Штатлари, Франция, Жанубий Корея, Япония каби ривожланган мамалакатларга сафар қилдилар;

- Ўзлуксиз таълимнинг барча ДТСлари, ўқув режа ва фан дастурлари такомиллаштирилди, чет тилларга қўшимча соатлар қўшилди.(1- синфларда 2013/2014 ўқув йилидан инглиз тили ўқитиш йулга қуйилди)

- Таълим, таёрлов йуналишлари, мутахассисликлар боп ўқув адабиётлари (кўп тиллик соҳа луғатлари, дарслик, ўқув қўланмалар, фан мажмуалари кабилар) яратилди ва такомиллашмоқда;

- Ўзбекистон ва вилоят телевидениялари орқали инглиз тилини ўргатувчи ўқув дастурлар йулига қуйилди, чет тилдаги мультфилм, қуғирчоқ филм ва субтитрли бадиий фильмлар намойиши йулга қуйилди;

-Газета ва журналлар сахифаларида “Инглиз тилини ўрганамиз” рўқни остида машғулотлар бериб бориш йулга қуйилди. Масалан “Андижон ёшлари” газетаси саҳифасида М.Абдувалиев ва Т. Умурзақовларнинг машғулотлари эълон қилиб келинмоқда.

- Жойларда тил ўргатиш марказлари фаолияти янада жонлантирилди.

- Чет тил машғулотлари ўтиладиган махсус жиҳозланган хоналар, мактаблар 7000 зиёд ташқил этилди.

Бу борадаги ишлар яқин келажакда ўз меваларини бериши шубҳасиз. Чунки чет (ингли ва бошқа тиллар) тилларининг ривожи Ўзбекистоннинг ижтимоий, иқтисодий тараққиётида муҳим роль уйнайди. Бугунги глобаллашув жараёни кечаётган кунда дунёвий муаммолар ( глобал исиш, табий офатлар, иқтисодий инқирозлар, урушлар)ни жиҳатликда, ҳамкорликда хал этиш мумкунлиги аён бўлиб қолди. Бу эса умум мулоқот тили бўлишини талаб этади. Бу вазифани ҳозирча инглиз ва бошка бир нечта тиллар бажариб келмоқда.

Шунингдек, дунёда илм-фан, техника, иқтисод, маданият, тиббиёт, технология, савдо-сотиқ борасида эришилган ютўқлардан, янгиликлардан баҳраманд бўлиб бориш уларни ҳаётга ва амалиётга тадбиқ этиб бориш ҳам хар кандай мамлакат тараққиётининг муҳим гарови ҳисобланади. Юқоридаги қарордан кўзланган асосий мақсад ҳам ана шу эди.

Бундан ташқари ўз касбимиз доирасида хорижилик ҳамкасблар билан эркин мулокот қила олишимиз, Ўзбекистон, ўзбек халқи тарихи, тили, маданияти, урф-одатлари, қадриятлари, адабиёти, илм-фани ва ҳақазолар хақида чет элликларга инглиз тилида гапириб бера олиш, уларни керак бўлса кўз-кўз қилиш учун ҳам инглиз тили билишимиз керак. Чунки дунё ҳам Ўзбекистон, унинг тарихи, маданияти ва қадриятларидан баҳраманд бўлиши лозим деб уйлаймиз.

И.А.Каримов таъбири билан айтганда "... ўсиб келаётган ёш авлод хорижий тилларни ўзлаштириш даражасини оширишга қаратилган ишларни алохида қайд этмокчиман. Жаҳонда интеграция жараёнлари кучайиб, кундалик ҳаётда компьютер технологиялари ва интернет кенг жорий этилаётган бугунги шароитда чет тилларни пуҳта билмасдан ва эгалламасдан туриб келажакни кўриб бўлмаслигини барчамиз яхши англаб олмокчимиз. Барча умум таълим муассасаларида чет тиларини ўргатиш 1-синф ўқувчилари учун чет тиллари буйича мультимедиа варианти илова қилинган 538 мингдан зиёд рангли дарсликлар чоп этилди. 2 мингта чет тил ўқитувчилари таёрланди ва уларни сони 26 минг кишига етди.[2]

Ўзбекистон Республикаси таълим тизими олдида тўрган, қатор масалалар борки, уларнинг ижобий ечими юқоридаги вазифаларни ўз вақтида бажарилишини, ҳаётга татбиқ этилишини тақозо этади. Ана шундай масалалар қаторида бошлангич (I-IV) синфларда чет тиллар, хусусан инглиз тилини ўргатиш тизимини йўлга қўйишдир. Бу долзарб масала қуйдагиларни амалга оширишни талаб этади.

---

[2] Туркистон 2014 йил, 18 –январь, 4-саҳифа

- Умум таълим мактабларида маҳсус мультимедия воситалари билан жиҳозланган хоналар ташқил этиш;

- Бошлангич (I-IV) синфлар учун ДТС, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чикиш ва такомиллаштириш;

- Бошлангич синфларда ўқитувчилари учун мультимедиали ўқув дастурлари илова қилинган услубий қулланмалар яратиш;

- Иккинчи, учинчи, тўртинчи синф ўқувчилар учун расмли ва рангли электрон дарслик, ўқув қўлланмалар яратиш.

- Ота-оналарни ушбу фаолиятига фаол жалб этиш.

- Бошлангич (I-IV) синфлар учун телевидение ва "Ўзбек фильм" студиялари билан ҳамқорликда миллий руҳ билан суғорилган маърифий дастур, мултьфильмлар, бадиий ва ўқув фильмлар яратиш ва таълим соҳасига татбиқини таъминлаш;

- Бошлангич синфларда нашриётлар билан ҳамкорликда эртак, ҳикояларни ўз ичига олган журнал ва ўқиш китоблари, журналлари яратиш кабилар.

Юқоридаги долзарб вазифалардан келиб чиққан холда "Иккинчи синф инглиз тили дарслигини яратиш буйича услубий тавсиялар ва машқлар" мавзудаги битирув малакавий ишини танладик.

**БМИнинг долзарблиги**. Шу кунга қадар иккинчи синф ўқувчилари учун уларнинг ёши, психологияси ва физиологияси хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда яратилган инглиз тили ўргатиш бўйича ўқув – услубий адабиётлар, мультимедия воситаларнинг мавжуд эмаслигида ҳамда ўқитишнинг технологиялари ишлаб чиқилмаганлигида намён бўлади.

**БМИда кўзда тутилган мақсад**. Иккинчи синфларида инглиз тили ўргатиш учун моддий техника ва ўқув базасини талаб даражасида ташқил этиш буйича кўрсатмалар тайёрлаш келажагимиз бўлган болаларни инглиз тилида мулокот маданиятига ўргатиш ва шу мақсадга йуналтирилган ўқув-услубий мажмуа яратишдан иборат.

БМИ мақсадлари қуйидаги вазифаларни бажарилишини талаб этади.

Иккинчи синф ўқувчиларининг психологик, физиологик ва ёш хусусиятларини аниқлаш.

Ўқувчиларни инглиз тили ўргатишга бўлган қизиқишларини пайдо қилиш усуллари ва муҳитини яратиш.

Ўқитувчи ва трейнерлар тайёрлаш бўйича таклиф-мулохазалар бериш;
Ўқитувчи ва трейнерлар учун услубий қулланма ва мультимедиа воситалари яратиш;

Машғулотлар самарадорлигини таъминловчи машқлар ва дидактик уйинлар тизимини яратиш кабилар.

**Тадқиқот объекти.** Иккинчи синф ўқувчилари ва инглиз тили ўргатиш технологияларидир.

Қуйидагилар тадқиқот предметларини ташқил этадилар:

Иккинчи синф ўқувчиларининг ёш хусусиятлари.

Иккинчи синф ўқувчиларининг психологик хусусиятлари.

Иккинчи синф ўқувчиларининг физиологик хусусиятлари.

Интер фаол метод ва дидактик уйинлар.

Оғзаки ва ёзма нутқ ва сўз бойлигини ривожлантиришга қаратилган машқлар тизимини яратиш кабилар.

**БМИнинг янгилиги** қуйдагиларда намоён бўлади

- Мактабларнинг иккинчи синф инглиз тили ўқитувчилари учун услубий курсатмалар ва ўқиш китоби яратилади.
- Ушбу китобга илова тарзида "Ишчи дафтар" яратилади.
- Инглиз тилини ўргатишга йуналтирилган машқ ва уйинлар тизими яратилади.

**БМИнинг назарий ва амалий аҳамияти**.

Тадқиқот натижасида олинган назарий хулосалар "Ёшлар физиологияси ва психологияси", "Инглиз тили ўқитиш методикаси" фанлари маърўза машгулотлари, докторлик ва магистрлик диссертацияларини ёзиш чоғида фойдаланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижалари**. “Инглиз тили ўқитиш методикаси”, “Ёшлар психологияси ва физиологияси” фанлари семинар ва амалий машғулотларида, иккинчи синфлар учун дарслик ва услубий, ўқув-услубий адабиётлар яратиш чоғида фойдаланилиши мумкин.

**Изланиш методлари**. Тадқиқотлар чоғиштирма, статистик сўров тахлил, кўзатув ва тажриба, компонент тахлил методлари асосида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг методик асосини И.А. Каримов асарлари, Шарқ ва Ғарб фалсафаси, педагогикаси баён этилган, фалсафий ва дидактик қарашлар манба ва илмий рисолалар, чет тиллар ўргатиш назарияси ва амалиётга оид замонавий тадқиқот ишлари ташқил этади.

Тадқиқот натижалари педагогик амалиёт чоғида апробация ва тажрибадан ўтказилди.

БМИ кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми ....... саҳифани ташқил этади.

## Биринчи боб. Кичик мактаб ёшдаги ўқитувчилар учун чет тил дарсларини ташқил қилиш масалалари.

### 1.1Кичик мактаб ёшининг умумий тавсифи.

Кичик мактаб ёши (7-11 ёш ) - 1-4 синф (бошлангич мактаб) га тўгри келади. Мактабгача ёш билан таққослаганда асосий фаолият тури ўқиш ҳисобланади. Асосий турининг алмашинуви боланинг психологик ривожланишига ҳам таъсир этади. Ҳар қандай ўтиш ёши каби, бу ёш ҳам ўз вақтида илгаш ва қўллаб-қувватлаш зарур бўлган ривожланишнинг яширив имкониятларига бой.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчисиииг жисмоний хусусиятлари қуйидагилардан иборат: умуртка погонасининг барча бўғимлари шаклланади, скелетнинг суякланиши ҳам якунланади, 1-2-синф ўқувчилари тез чарчайди (айникса, ёзма ишларда), юрак мушаклари қон билан яхши таъминланади, бош мия, айниқса, бошнинг пешона қисми катталашади.

Мактаб хаётининг биринчи боскичи учун шу нарса характерлики, бола синфдаги ва уйдаги хулқини назорат қилувчи ўқитувчининг янги талабларига буйсунади, шунингдек, ўқув фанларининг мазмунига қизиқа бошлайди.

Биринчи синф ўқувчилари бошдан кечирадиган уч асосий кийинчилик бор: қийинчиликнинг биринчи тури янги мактаб режими билан боглик (ўз вақтида уйгониш ва туриш керак, дарс колдириш мумкин эмас, барча дарсларда жим утириш талаб этилади, уй вазифаларини бажариш лозим ва бошқалар). Иккинчи тур кийинчилик ўқитувчи, синфдошлар ва оиладаги ўзаро муносабатлар хусусиятидан келиб чиқади. Қийинчиликларнинг учинчи тури - ўкув йили ўрталаридан ўқув материали ошиб боради.

Мактабга кадам қўйиш билан бола ҳаётида мухим психологик ўзгаришлар содир бўлади. У янги режимнинг айрим мухим одатларни ўзлаштиради, Ўқитувчи ва ўртоклари билан ишончли муносабатлар ўрнагади. Ўқув материали мазмунига нисбатан пайдо бўлган қизиқиш асосида унда ўқишга бўлган ижобий муносабат мустаҳкамланади.

Ўқув фаолиятининг мазмуниии илмий тушунчалар, фан қонуниятлари ва уларга таянган амалий масалаларни хал этиш услуби ташқил этади. Шундай қилиб ўқиш - бу билим, малака ва кўникмаларга эга бўлишга йуналтирилган жараёндир.

Ўқув фаолияти аник бир тўзилишага эга. Унинг таркибкй кисмлари қўйидагилар: 1) Ўқиш вазияти (ёки вазифалари), 2) Ўқиш ҳаракати, 3) назорат, 4) баҳо.

Кичик мактаб ёши давомида иккинчи синф ўқувчиларининг ўқишга муносабатида муайян динамика кўзатилади. Дастлаб улар ўқишга умумий холда ижтимоий фаолият сифатида интилишади. Кейин эса уларни ўқув ишининг алохида усуллари жалб этади. Нихоят, бола ўқув фаолиятининг ички мазмунига кизикиб, ўқув-назарий вазифаларни аниқ-амалий вазифаларга мустақил ўзгартиради. Унинг шаклланиш конуниятларини тадкик этиш замонавий болалар ва педагогика психологияси вазифаларидан бири ҳисобланади.

Идрок ривожи. Жисмоний жараёнлар ривожланиши бутун кичик мактаб ёши давомида амалга ошади. Гарчи болалар мактабга етарли ривожланган идрок билан келишса-да (уларда кўриш, эшитиш ўткирлашади, улар турли шакллар ва рангларни яхши фарклайдилар), уларнииг ўқув фаолиятидаги идроки фақат шакл ва рангларни ўрганиш ва англашдан иборат бўлади. Биринчи синфда қабул қилинган предметлар таркибий қисми ва хусусиятларининг тизимли таҳлили мавжуд эмас. Боланинг идрок этилган предметларни таҳлил қилиш ва фарклаш имконияти унда шунчаки хис этишдан кура мураккаброк фаолият турининг шаклланиши билан боглик. Кўзатиш деб аталган фаолият тури мактабда ўқиш жараёнида жуда интенсив равишда шаклланиб боради, кейинчалик идрок бирор максадга каратила боради.

Бола кўзатувчанлиги хакида шахснинг алохида хусусияти сифатида гапириш мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бошланғич таълимда

кичик ёшдаги ўқувчиларнинг барчасида бу мухим хислатни сезиларли ривожлантириш мумкин.

Диққатнинг ривожланиши. Мактабга келувчи болалар максадли диккатга эга бўлмайдилар, улар асосан бевосига ўзлари учун кизик бўлган, ёркинлиги ва ноодатийлиги билан ажралиб турувчи (ихтиёрсиз диккат) нарсаларга эътибор берадилар. Мактаб биринчи кунданок боладан уни кизиктирмайдиган нарсаларни кўзатишни ва маълумотларни ўзлаштиришни талаб қилади. Бола аста-секин диккатини ташки томондан жалб этувчи нарсаларга эмас, керакли нарсаларга йуналтириш ва катьий саклашни ўрганиб боради. 2-3- синфда кўпчилик ўқувчилар аллақачон ихтиёрий диққатга эга бўладилар. Ихтиёрий диққат, уни у ёки бу масалага мақсадли йу налтириш - кичик мактаб ёшининг мухим ютуғидир.

Кичик мактаб ёшида диккатнинг ривожланиши ихтиёрсиз ва ихтиёрий диккатнинг алмашинувига, унинг хажми кенгайишига ва турли харакат турлари уртасида дик катни таксимлай олишга боглик.

Хотиранинг ривожланиши. Етти ёшли бола асосан гашки томондан ёркин ва эмоционал жихатдан таъсирли вокеа, тасвир, хикояларни эслаб колади. Лекин мактаб хаёти шундайки, бошиданок болалардан материални ихтиёрий эслаб колиш талаб этилади. Ўқувчилар кун тартиби, ахлок коидалари, уй вазифаларини махсус эслаб колишлари, кейин эса уларга риоя этишлари лозим.

Ўқув материалини эслаб колиш алохида билимни талаб этади. Усиз ўқув хотираси заиф ва тартибсизлигича колаверади. Ўқувчи махсус аниклаш гуруҳлаш ва таққослашни талаб этувчи нарсани бевосита эслаб колишга харакат қилаётганида бу «ёмон хотира» пандберади. Ўқув. материаллари билан ишлаш усулларининг шаклланиши «яҳши хотира»ни янада самаралироқ тарбиялаш йули сифатида намоён бўлади. Бу жараёнда нутқ ўстида ишлаш каби хотиранинг иҳтиёрий ва иҳтиёрсиз турларидан оқилона фойдаланиш лозим. Аник бир материал билан ишлашда ҳам шундай.

Тасаввурнинг ривожланиши. Тасаввур кобилиятининг ривожланиши икки боскичда кечади. Дастлаб яратилувчи образлар реал объектга якин тавсифланади (деталларга бой бўлмаган холда). Иккинчи синф оҳири, кейин эса учинчи синфда иккинчи боскич бошланади. Аввало, аломатлар ва таркибий кисмлар миқдори сезиларли тарзда ошади.

Яратувчи (репродуктив) тасаввур кичик мактаб ёшида барча машҳулотларда ривожланади. Кичик мактаб Ўқувчиларининг бирор предметнинг келиб чикнши ва курилиши шарт-шароитини курсатишга харакат қилиши - уларда ижодий (продуктив) тасаввур ривожланишида мухим психологик асосдир.

Фикрлашнинг ривожланиши. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари фикрлашининг ривожланишида икки асосий боскич кўзатилади. Биринчи боскичда (1-2-синф) фикрлашда кўргазмали-харакатлилик устунлик қилади, уни яна амалий-харакатлилик ёки хиссийлик деб ҳам аташади. Бу боскичда болаларнинг нарсаларни умумлаштириши предметларнинг яккол белгилари таъсири остида руй беради. Фикрлаш ривожланишинииг иккинчи боскичн (3-синф) Ўқувчилар томонидан тушунчаларнинг алохида хусусиятлари орасидаги ўзаро муносабатни билиб олищ, яъии гаснифлашга (масалан, «стол» - от сўз туркуми) боглиқ. Болалар ўқитувчига у ёки бу таснифни қандай ўзлашгирганликлари хақида хисоб берадилар. Абстракт, мавхум ва назарий фикрлаш нисбатан мураккаб фикрлаш турининг кейинги боскичи бўлиб хисобланадн.

Аҳлокий меъёр ва коидаларни ўзлаштириш. Мактабда бола доимий ва максадли назорат қилинувчи аник ва кенг ахлокий талаблар тизнмига дуч келади: Етти-саккиз ёшли болалар меъёр ва коидалар мохиятини аник тушунади ва уларни хар кун и бажаришга психологик жихатдан тайёр бўлади. Лекин ўқитувчи бундан хар доим ҳам тугри ва ўз вактида фойдалана олмайди. Ўқувчини кичкина деб хисоблайди ва хоказо. Шунинг учун ўқитувчида аник ва равшан тарбия тизими бўлиши керак.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг ўзаро ва ўқитувчи билан муносабатларн. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари ўзаро муносабатининг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг дўстлиги, одатда, ташқи хаётий шарт-шароитлар умумийлигига ва тасодифий қизиқишларга асосланади (болалар бир партада ўтиришади, саргўзаштли адабиётга кизиқишади ва бошкалар). Ўқитувчи фикри кичик мактаб ўқувчиси учун муҳим ва катъийдир. Кичик мактаб ўқувчилари унинг мавкеини сўзсиз тан оладилар. Улар барча масалалар юзасидан ўқитувчига мурожаат қилишади.

Эмоциялар ва уларнинг кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида ривожланиши.

Худди бошка психик жараёнлар каби болалар эмоциясининг умумий хусусиятлари ҳам ўзгаради. Кичик мактаб ёши давомида эмоцияларни намоён этишда ўзини тийиб туриш кераклигини англаш кўзатилади. Эмоционал холат баркарорлашувининг ортиши - психик жараёнлар унумдорлигининг шаклланишидир. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари каттарок ўқувчилар, шуниигдек, ўсмирларга нисбатан анча вазминрок.

Инсон психикаси доимо ривожланишда. Бола инсоният тарихи давомида жамғарган тажрибаларни ўзлаштириши жараёнида ривожланади. Бу жараён катталар томонидан доимий назорат, яъни таълим шароитида амалга ошади. Таълим боланинг психик ривожланиши жараёнида белгиловчи роль уйнайди. Таълим табиий истеодод, ижтимоий муҳит ва у ёки бу ёш учун самарали, тушунарли таълим усулларига асосланади. Шундай қилиб, шу нарсани кўриш мумкинки, гудакликда кўргазмали-ҳаракатли фикрлаш, кейин эса кўргазмали-образли, оғзаки-мантиқий, мавҳум, умумий назарий фикрлаш турлари пайдо бўлади.

Ривожланиш жараёнида фақат билим ва ҳаракат усулларининг ўзгариши, муракаблашиши содир бўлмайди. Боланинг психик ривожланиши унинг бутун шахсидаги ўзгаришлар, яони шахснинг умумий хусусиятлари ривожланишини ўз ичига олади. Ривожланиш динамикасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) бола шахсини йуналтиришдаги умумий хусусиятлар (ўқиш, англаш, атрофдагилар билан муносабат), 2) фаолиятининг психологик тўзилиши хусусиятлари (мотив, мақсад, объект) ва 3) англаш механизимининг ривожланиш даражаси.

Шундай қилиб. боланинг бутун ривожланиш жараёнини уч қисмга бўлиш мумкин: 1) таолим жараёнида билим ва фаолият усулларининг ривожланиши, 2) эгалланган усулларни татбиқ этиш механизмларининг психологик ривожланиши. 3) шахс умумий хусусиятларининг ривожланиши (ўйлналтирилганлик, фаолиятнинг психологик тўзилиши, англаш ва фикрлаш). Кўрсатилган ривожланиш йўлларининг ҳар бири ўзига хос. Буларнинг барчаси ўзаро боғлиқлик ва фақат биргаликдагина психик ривожланиш деб аталувчи шахсдаги ўзгаришлар жараёнини ташқил этади.

2. Таълим ва тарбия жараёнида бола психик ривожланишининг асосий йуллари

Инсон психик ривожланишининг ижтимоий шартлилиги ривожланиш жараёнини билим ва кўникмаларнинг оддий тупланиб боришига боғлаш мумкинлигини англатмайди. Инсон психик ривожланишининг ижтимоий табиатини ҳисобга олиш мазкур жараённинг мураккаблиги ва купқирралилигини тушуниш имконини беради, чунки фақат шундай ёндашувдагина ривожланиш у ёки бу алоҳида вазифанинг миқдорий ортиши эмас, аксинча инсоннинг умуман ривожланиши сифатида намоён бўлади.

Таълим ва психик ривожланиш мазмуни. Билим ва фаолият услубининг мураккаблашиши таолим жараёнида болалар ривожланишининг асосий ва белгиловчи томонини ташқил этади. Масалан, швейцариялик психолог Ж.Пиажа ўзи олиб борган тадқиқотлар асосида таокидлашича, 7-8 ёшдан кичик болалар рақам билан боғлиқ фаолиятга қодир эмас. Шунингдек, боланинг психик ривожланишига таълим мазмунининг ўзгариши ва унинг таъсири ҳақида Л.А.Венгер, П.Я.Галоперин, Д.Б.Элоконин, В.В.Давидов ва бошқалар ёзган.

Усул ва билимларни қуллаш психологик механизмларининг ривожланиши. Фаолиятнинг умумий лури аниқлангач, болалар томонидан айни усуллар турли даражада қулланилиши мумкин. Ўқувчилар фаолиятнинг нисбатан юқори шакллари ва турларига (шунингдек, ақлий) масалан, аниқ ва абстракт билимларни боғлай олиш ва ўзаро нисбатини аниқлай билишга ўргатилиши лозим.

Шахс умумий хусусиятларининг ривожланиши. Ривожланиш жараёнида фақат билим ва фаолият усулларининг ўзгариши ва мураккаблашиши содир бўлиб қолмайди. Боланинг психик ривожланиши унинг бутун шахсидаги ўзгаришларни, яони шахс умумий хусусиятларининг ривожланишини ўз ичига олади. Ривожланиш жараёнида болалар психик фаолиятининг турли жиҳатлари ўзгаради. усуллар йиғилиши ва ўзгариши содир бўлади. Бола куп миқдордаги турли ҳаракатлами бажара олади. билим ва тасаввурлари ўзгаради. Мазкур ўзгаришлар ичидан нисбатан умумий ва белгиловчи ўзгаришларни ажратиб кўрсатиш мумкин бўлмади. Улар қуйидагилар:

Боланинг шахсий йуналтирилганлик хусусиятининг умумий ривожланиши. Унга уч турни киритиш мумкин: а) таълимий йуналганлик (яхши ўқиш, яхши баҳо олиш), б) билим олишга йуналганлик (масалани ҳал этиш, янги вазифалар олиш), в) атрофдагилар билан муносабат.

Шундай қилиб, шахсий йуналганликни ҳисобга олиш мактаб ўқувчилари таълими (билим ва усулларни эгаллаш) ва тарбиясини (шахсият ривожланиши) янада самарали амалга ошириш учун биринчи ва зарур шартдир.

Фаолият психик тўзилишининг ривожланиши (мотив, мақсад, объект). Масалан, мактаб ўқувчилари боғчага совға учун арча уйинчоқларини тайёрлашади. Мотив - турлича (болакайлар кўнглини олиш, ўқитувчи талабини бажариш, жараённинг ўзидан қониқиш). Мақсад арча учун ўйинчоқлар тайёрлаш. Объект - ўйинчоқлар тайёрланадиган материаллар ҳар қандай фаолият ўз ичига қатор унсурларни (мотив, мақсад, объект) олади.

Ҳаммаси биргаликда фаолият тўзилишининг ўзига хос хусусиятини яққол курсатиб беради.

Онг механизмининг ривожланиши. Бу фикрий фаолиятнинг кўргазмали-ҳаракатли, кўргазмали-образлидан абстракт, назарийга ўзгаришидир. Болада тушунчалар ва тушунчалар тизими мунтазам шаклланиб боради. Боланинг англаш ва фикрлашининг ривожланиши даражаси қанча юқори бўлса, у ўзлаштирган, фойдаланаётган тушунчалар шунча мураккаб бўлади.

Шу тарзда, умумий ҳолда бола психик ривожланиши жараёнини уч асосий йуналишга бўлиш мумкин: 1) таълим жараёнида билим ва фаолият усулларининг ривожланиши, 2) ўзлаштирилган усуллар қўллаш психологик механизмларининг ривожланиши, 3) шахснинг умумий хусусиятларининг ривожланиши.

3. Таълим жараёнида болалар ривожланишининг педагогик шартлари ва қонуниятлари

Билим, уни қўллаш механизмлари ва шахс умумий хусусиятлари ривожланишининг педагогик шартлари таҳлим жараёнида болалар ривожланишининг умумий қонуниятларига боғлиқ. Бола психик ривожланишининг турли тарафлари учун алоҳида, аниқ педагогик шартларини ҳам инобатга олиш муҳим. Боқиш жараёнида ўқувчилар турли ўқув предметлари буйича билим ва ҳаракат усулларини эгаллайдилар. Ўқишнинг ҳар хил турлари буйича янги билим ва маҳоратрнлами эгаллаб бориш билан бир қаторда бу шартлар билан мувофиқ равишда бола психикаси ҳам ривожланиб боради.

4. Ёш бўйича ривожланишнинг даврийлаштирилиши

Ёшнинг умумий хусусияти. Ҳар бир ёшдаги психик ривожланиш алоҳида сифат босқичига эга.

Ёш хусусиятлари кўплаб шартлар мажмуи билан белгиланади. Бу - бола ҳаётидаги ҳар бир босқичда унга қўйиладиган талаблар системаси, атрофдагилар билан муносабат, у эгаллаётган билим ва фаолият тури ҳамда

бу билимларни эгаллаш усулларидир. Ёш хусусиятини аниқловчи шартлар мажмуига боланинг жисмоний ривожланиши хусусиятлари ҳам киради (масалан, гудакликда маълум бир морфологик шакл ҳосил қилувчи маълумотларни эгаллаш, ўсмирликда организмнинг ўзгариш хусусиятлари ва бошқалар).

Ёш даврларида ривожланишнинг асосий ўзгариш механизмлари. Ёш даврларини аниқлаш атрофдагиларга муносабатларнинг ривожланиш даражаси билан билим, усуллар, қобилиятлар ривожланиши даражаси ўртасидаги алоқани белгилаб беради. Мазкур икки тараф орасидаги муносабатларнинг ўзгариши кейинги ёш босқичларига ўтишнинг муҳим ички асоси («ҳаракатлантирувчи куч»)ни ташқил этади.

Бола яшаш шароити, тарбия ва таълим олиш шароитининг ўзгартирилиши ривожланишнинг ёш давриари алмашинувини белгиловчи муҳим омилдир.

Сўнгги вақтларда ёш ва педагогик психологияда кўпроқ педагогик мезонларга асосланган даврлаштириш қўлланилмоқда.

Мактабгача ёш

Гудаклик (3 ёшгача) - ясли;

Боғчанинг кичик гуруҳи - уч ёш;

Боғчанинг урта гуруҳи - турт ёш;

Боғчанинг катта гуруҳи - беш ёш;

Боғчанинг тайёрлов гуруҳи - олти ёш.

Мактаб ёши

Кичик (1 -4-синф) - бошланғич мактаб - 7-10 ёш;

Урта (5-9-синф) - ўрта мактаб - 11-15 ёш;

Катта(10-12-синф) - академик лицей ёки махсус таълимда - касб-ҳунар коллежлар - 16-1 8 ёш.

## 1.2 Кичик мактаб ёшдаги ўқувчилар учун чет тил дарсларини ташқил қилишнинг лингвистик асослари.

Маълумки ўқитишдан кўзланган мақсад ўқувчиларга билим беришгина эмас, балки ўқувчиларда дарс мавзусига нисбатан қизиқиш – мотивация хосил қилиш, улардаги ички имкониятлардан фойдаланиш қобилиятларини ўстиришдан ҳам иборат.

Ўқитувчилик касби сабр – тоқатни талаб қилувчи мураккаб ҳамда масъулияли касб.

Мамлакат келажаги, унинг ижтимоий ва иктисодий тараккиёти куп жиҳатдан ўқитувчининг кандай мутахассис тайёрлашига боглик.

Замон талабига жавоб берадиган етук мутахассисни эса факат билимли, тажрибали ва малакали ўқитувчилар тайёрлашлари мумкин.

Кадрлар тайёрлашга маъсул ўқитувчи эса тажрибали, замонавий ўқитиш технологияларидан хабардор, техник воситалардан, дарс максади ва мазмунига кура самарали фойдалана оладиган мутахассис бўлмоги талаб этилади.

Замонавий дарс мураккаб технологик жараён хисобланиб унда техник воситалар, компютер технологияси, талабалардаги индивидуалликни хисобга олишни таказо этади.

Дарсдаги мухим нарса ўқитувчи (таълим берувчи) ва ўқувчи (таълим олувчи) муносабати, уларнинг биргаликдаги фаолияти хисобланиб, дарс шаклларини аниклашда улар хисобга олинмоги лозим.

Маълумки дарс лексик ва дидактик тамойиллари хисобланиб таълимнинг ташқилий шаклларидан бири хисобланади ва у билимлар ўзлаштирилишнинг ҳамда нутқий куникма ва малакалар хосил қилишнинг маълум бир тартиби ва колипини ифодалайди. У ўқитувчи ва ўқувчининг махсус тартиб ва режим асосида ташқил қилинган фаолияти мажмуаси ҳам хисобланади.

Янги ўқитиш технологиялари нуқтаи – назаридан каралганда ўқув жараёнини лойихалаштиришда икки мухим омилга қаратилади:

1.Таълим берувчи ва таълим олувчининг ўзаро фаолияти;

2.Таълим бериш жараёнида ўқув материалини кўргазмалилик асосида маълум кетма - кетликда берилиши.

Таълим берувчи шахс – ўқитувчининг таълим олувчилар – ўқувчилар билан дарс жараёнидаги ҳамкорлиги ( педагогик мулоқот)ни ташқил қилишда қуйидаги иш турларидан фойдаланилади:

Фронтал иш тури. Бунда ўқитувчи синфдаги барча ўқувчиларга юзланган холда саволлар ва топшириклар бериш мумкин.

Фронтал иш тури ўзига бир қатор хусусиятларга эга. Уларга таълим беришнинг ялпи характерга эга эканлиги шунинг учун ҳам синфдаги ўқувчилар бутун бир жамоа сифатида ишлаши, тежамкорлиги, чунки ўқитувчи бир хил топширик билан бутун синф жамоасига мурожат қилади, ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятлари, дарсга тайёргарлик даражасининг ҳар – хиллиги ҳисобга олинмайди. Бунда берилаётган топшириқ ва саволлар «ўртача» ўқийдиган ўқувчига мўлжалланади. Топшириқни бажариш жараёнида ўқувчилар ўзаро ҳамкорлик қилишмайди, хар бири ўзи учун ҳаракат қилади.

Гуруҳ бўлиб ишлаш тури.

Ушбу турдаги иш фаолиятида ўқувчилар жуфт-жуфт, гуруҳ ичида ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб фаолият курсатишади, ўқитувчи томонидан берилган топширикларни бажаришади. Ушбу иш тури ўқувчиларда жамоавий бўлиб ишлаш куникмаларини шакллантиради, улардаги ташаббускорлик ва ижодкорлик учун яъни ўқувчилардаги ички резерв имкониятларини ишлатишга ўрганилаётган мавзуга нисбатан мотивацияни хосил қилишга имкон ва шароит яратади.

Гуруҳ бўлиб ишлашда гуруҳдаги аълочи ўқувчининг билими ва тажрибаси бошқаларни тўлдиради ва берилган топшириқни бажариш орқали ўқув материалини ўзлаштиришни осонлаштиради. Шунингдек бундай иш турида гуруҳ аъзоларининг имкониятлари, ишлаш тезлиги ва кобилиятларига кура иш таксимланади бу эса топширикни бажариш жараёнида гуруҳнинг

ҳар бир аъзосини фаоллигини таъминлашга ёрдам беради ва улардаги масъулият ҳиссини оширади. Бунда хар бир гуруҳ аъзоси ўзи учун ҳам жамоа учун ҳам ишлайди.

Назорат қилиш ва ўқитиш натижаларини текшириш учун ўқитувчидан кўп вакт талаб этилмайди.

Камчиллиги топширикни бажариш жараёнида баҳс мунозара, тортишув, шовкин бўлиши ва ўқув жараёни назоратдан чикиб кетиши мумкин.

Индивидуал иш тури.

Индивидуал иш тури дарс жараёнида ва дарсдан ташкари пайти кўлланилиши мумкин бўлган иш турларидан ҳисобланади. Бундай иш тури ўқувчиларнинг билим даражаси, қизиқишлари, мустақиллик даражасининг турлилиги, ўз кучига ишонмаслик, хато қилиб кўйишдан кўркиши каби бир қатор психологик омилларга асосланган ҳолда ташқил қилинади.

У ўқувчиларга якка тартибда топширик бериш билан ҳарактерланади. Индивидуал иш турида ўқитувчи ўқувчининг қобилияти, нималарга қизиқишини аниқлаши ва унда ўқиб – ўрганишга тусқинлик қилувчи психологик барьерлар – тусиқларни олиб ташлашга қаратилган индивидуал вазифани ишлаб чикиши ва уни амалга оширишда ўқувчига ёрдам бериши, рухлантириши талаб этилади.

Психологик тусикларга ўқувчидаги қизиқишнинг йўқлиги хато қилишдан куркиш ўз кучига ишонмаслик, уятчанлик каби омилларни киритиш мумкин. Шунингдек ўқитувчи талаба томонидан бажарилган индивидуал вазифани назорат қилиши ва бахолаши учун куп вакт сарф қилади, чунки у факат бир ўқувчи билан ишлайди.

Шу томонда олиб каралганда индивидуал иш тури фронтал ва гуруҳ бўлиб ишлаш турларига нисбатан тежамли эмас.

Замонавий ўқитиш технологиялари асосида таълимни ташқил қилишдаги яна бир мухим масалалардан бири бу ўқитиш максадини ва усулларини аниклашдаги алохида ёндашувдир. Табиийки, ўқитиш максади ўрганилаётган

ўқув материалини тушуниб ўқиб олиш ва мустахкамлаш оркали ўз билимини чўқурлаштиришни назарда тутади.

Уни амалиётда қўллаш учун эса маълум нутқий куникма ва малакаларни шакллантириш, лингвистик ва нутқий тажрибани ошириш ҳамда мустақил таълим куникмаларини шакллантириши зарур.

Шунингдек ўқувчиларда ўрганилаётган мавзуга нисбатан мотивацияни ошириш, уларни нутқий жараёнида мантикий фикрлашга ва ўз фикирларини ифода этишга ўргатиш ҳам ўқитиш максадларидан хисобланади.

Замонавий ўқитиш технологияларидаги таълим бериш ва керакли нутқий куникмалар хосил қилиш усуллари хакида сўз юритганда куйидагиларга алохида эътибор бериш лозим: дарс максади, ўқув материалининг характери, ўқитиш шакли ва усуллари.

Чет тили ўқитиш жараёнида ўқитишнинг усулларини аниклаш дарс олдига куйилган макса два ўқув материалининг характеридан келиб чикиб бажарилади.

Тил ўқитиш амалиётида сўнгги йилларда профессор С.Ф.Шатилов томонидан ишлаб чиқилган билим олиш ва нутқий кўникмалар хосил қилишнинг уч босқичи самарали қўлланиб келинмокда. Улар қуйидагилар:

Презентация – ўқув материалини дарс жараёнига киритиш босқичи;

Ўрганилаётган чет тил материалини машқ қилиш босқичи;

Нутқий вазиятлар асосида нутқий кўникмалар хосил қилиш босқичи;

Биринчи босқичда ўқув материали маърўза, хикоя, турли кўргазмалилик асосида намойиш қилиш, тушунтириш оркали ўқув жараёнига киритилади. Бу босқичда техник воситалардан ва бошка кўргазмалиликдан тил материали характер ива ўқув максадига мос равишда фойдаланиш тавсия этилади. Ушбу босқичнинг асосий максади ўрганилаётган тил материалини (лексик, грамматик, фонетик) тушуниб олиш ва маълум тушунчаларга эга бўлиш. Бу ерда «Brain storming» (мияга ҳужум) усулидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Биринчи, яъни презентация босқичида ўқувчиларнинг билим олишлари пассив яъни (тенглаш ва тушуниб олиш) шаклида эмас, балки фаол равишда кечишини таъминлаш технологик ёндашувда жуда катта роль уйнайди.

Бу ерда ўрганилаётган тил материалини ўқувчилар шунчаки кейин кайта айтиб беришлари учунгина эмас, балки тушуниб олишлари яъни ўқиб олишлари, шу тил материалидан нутқий мулоқот жараёнида ижодий фойдаланиш нўқтаи назаридан ўрганишларини таъминлаш зарур. Бунинг учун эса ўқитувчи уларда шу мавзу яъни ўқув материалига нисбатан мотивацияни хосил қила билиш, кўргазмалилик асосида мавзуни киска ва лунда қилиб тушунтира билиш талаб этилади. Ўқувчиларда тил материалини тушуниб олиш жараёнида унга нисбатан ўз фикрини ифодалаши ҳам ушбу тил материалини чуқур ўзлаштиришни кафолатлайди.

Иккинчи босқичда асосий эътибор ўрганилаётган тил материалини нутқ фаолияти турлари (гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзиш ) да машқ қилиш яъни гаплар тўзиш, турли тил машқларини бажаришга ўтиш тавсия қилинади. Улар оғзаки ёки ёзма шаклда бўлиши мумкин.

Берилган топширик ҳамда машқларни бажариш жараёнида кўргазмалиликдан ва таркатма материаллардан фойдаланиш ўқувчиларда шу ишга нисбатан қизиқиш ва истак-хоҳиш яъни мотивацияни ўстиради.

Шунингдек « jigloo» жигло пинборд (pinboard), кластер усулларидан фойдаланиш ўқувчиларда ўйлаб, солиштириб солиштириб иш қилишни ва мантиқий фикрлашни ўстиради.

Машқ бажариш жараёнида дифференциал ва индивидуал ёндашув таълим олувчи шаҳс (ўқувчи ёки талаба) ни шахсий хусусиятларини, қобилиятларини ҳисобга олиш ва шунга кўра машқ турларини осонлаштириш ёки мураккаблаштириш мумкин. Агар таълим олувчининг билим даражаси паст бўлиб машқни бажариш унинг учун кийинчилик тугдирса у холда талабада унга нисбатан қизиқиш ва ўз кучига ишонч йўқолади.

Шуниг учун ҳам индивидуал ёндашув зарур.

Учинчи босқич, яъни ўрганилаётган тил материалини нутқий вазиятларда кўллаш оркали нутқий кўникмалар ҳосил қилиш босқичи ўқувчилардан нутқий фаолликни талаб қилади. Ўқитувчи олдиндан тайёрлаб куйган, нутқий вазиятларга асосланган топширикларни беради, ўқувчилар эса ўрганилаётган тил материалини шу нутқий вазиятларга мос равишда кўллаш орқали уни амалиётга тадбиқ этадилар.

Ўқитувчи томонидан тўзилган ўқув нутқий вазиятларни иложи борича табиий нутқий вазиятларга якинлаштириш лозим, чунки бажарилаётган нутқий харакатлар ўқув вазиятига адекват (мос) келгандагина хосил қилинаётган нутқий куникма ва малакалар пухта бўлади. Бунинг учун турли дидактикролли уйинлардан фойдаланиши, уларни реквизит асосида ижро этиш зарур.

Ушбу босқичда бахс, гуруҳ-гуруҳ, жуфт-жуфт бўлиб ишлаш каби таълим шакллари ва муаммоли вазифалар, «пинборд» техникаси «давра столи» техникаси каби усуллардан фойдаланиш яхши натижа беради.

Ўқитувчи ўқувчилардан харакатчан кичик-кичик гуруҳлар тўзганда таълим жамоавий тус олади, хар бир ўқувчини нутқий топширикларини бажариш жараёнидаги харакатини назорат қилиш мумкин бўлади, улар уртасидаги муносабатларда коммуникативлик рухи шаклланади, ва хар бир ўқувчида ўз фикрини билдиришга нисбатан мотивация хосил бўлади, улардаги ички потенциал имкониятлар юзага чикади.

Ўқувчилар чучимасдан ўз кобилиятларини кўрсатиши мумкин. Кичик гуруҳларда ишлашнинг яна бир яҳши томони шундаки, ўқувчилар хато қилиб кўйиб бутун бир синф олдида изза бўлишдан чучимайдилар, кичик гуруҳларда улар ўзларини анча эркин тутадилар. Бу эса уларда ички мотивацияни ҳосил қилади ва ўз кучига бўлган ишончни орттиради. Гуруҳлар билан ишлашни лойиҳалаштириш жараёнида бир қатор омилларга эътибор қаратилмоги лозим. Бўларга группавой ишларнинг максадини ўқувчиларга тушунтириш шароитни аниклаш, иш жойини кандай

бўлишлигини ва гуруҳ аъзоларини кандай жойлаштириш каби масалалар киради.

Гуруҳларни шакллантиришда ўқвчиларнинг билим даражаси, қизиқишлари, коммуникабеллиги, фаоллигини хисобга олган холда ўқув вазифасини бажариш жараёнида ўзининг имконияти, кобилияти ва махоратини курсата билсин.

Ўқитувчи олдиндан жуфт-жуфт бўлиб ёки гуруҳ-гуруҳ бўлиб ишлаш учун топширикларни тайёрлаб куйиш ва уларга мос кўргазмали куроллар, таркатма материаллар танлай билиши лозим. Шунингдек ўқитувчи машгулот пайтида ўзи бажарадиган ишларни (кандай топширик бериш, гуруҳ аъзоларини ихтиёрий ёки мажбурий асосда танлаш, кайси пайтда сухбатга кушилиш, кандай назорат турларидан фойдаланиш ва хоказо) аник билиши, имкон бўлса олдиндан бажариб куриши максадга мувофик.

Ўқитувчи аълочи ўқувчилардан ўзига ёрдамчилар қилиб олиши, яъни гуруҳ сардорларини тайинлаш ва уларга ўзларининг кобилияти ва қизиқишига кура топшириклар бериши ҳам максадга мувофик.

Иш якунида гуруҳлар бажарган ишларга бахо беришда. холисона ёндашув, ютЎқ ва камчиликларни тугри курсатиш ва хакконий бахолаш зарур.

Замонавий педагог ўқитувчи учун ўргатаётган чет тилини яхши билиши, нутқининг равонлиги, жумла ва гапларни сода ва тушунарли қилиб бера олиши, дарсни чет тилида олиб бориши. коммуникабеллиги, талабчанлиги, маъсулиятни хис қилишлиги, хакконийлиги каби хислатлар жуда мухим аҳамият касб этади.

Чет тили ўқитишда маърўза усули чет тили факультетларидаги назарий фанларни ўқитишда куп қўлланилади. Урта мактаб ва коллежларда чет тили ўқитиш эса нутқий фаолият турларига (гапириш, тинглаб-тушуниш, ёзиш ва ўқишга) йуналтирилганлиги ва шуларга мос куникма ва малакалар хосил қилишни кўзлаганлиги учун ҳам бунда ўқитишнинг намойиш қилиш, тушунтириш, хиқоя қилиш, иллюстрация (расмли кўргазмалилик) видео

усул, машқ қилиш, (оғзаки ва ёзма машқлар), брейнсторминг, ролли уйинлар, суҳбат, савол-жавоб, бахс, мунозара, пинборд, ва бошкалар кенг қўлланилади.

Ушбу усуллар чет тили ўқитишдаги уч босқич презентация, машқ қилиш ва нутқий вазиятларда хар бир босқичнинг максадидан келиб чикиб танлаб олинади ва қўлланилади.

Нутқий куникмаларни шакллантириш чет тилидаги ўқув материалини тушуниб эслаб колиш уни гапларда қўллашни машқ қилиш ва нутқий вазиятларда қўллаш оркали амалга оширилади.

Бунда билиш сезгилари канчалик купрок иштирок этса уни (тил материалини) эслаб колиш шунчалик яхши бўлади.

Педагогик ва психологик адабиётларда ахборотни эслаб колишнинг самарадорлиги куйидагича келтирилади:

Эшитганда 5%

Ўқиганда 5%

Кўрганда 20%

Кўрган ва эшитганда 30%

Мухокама қилганда 40%

Ўқиган, ёзган ва гапирганда 50%

Ўқиганда, ёзганда мухокама ва намойиш қилганда 75%

Бошкаларга ушбу ўқув материалини ўргатганда эса 90%

ёдда сакланиб колар экан.

Чет тилидаги фонетик, лексик ёки грамматик материални ўқув жараёнига киритиш вербал ва намойиш қилиш оркали амалга оширилади. Ушбу жараёнда ўқувчилар пассив тингловчи бўлмасликлари керак.

Масалан, лексик бирликларни ўрганиш ўқитувчи томонидан хар бир лексик бирликни (сўз ёки иборани) ўзи аввалдан тайёрлаган нутқий вазиятда вербал йул билан шу сўз англатган мазмунни кўргазмалик асосида намойиш қилиш оркали тушунтирилади, ўқувчилар эса уни таржимасиз тушуниб олиш имконига эга бўладилар.

Ўқитувчи расм ёки нарсани курсатиб номини айтади ва бир неча бор кайтаради. Сўнг «What is it?» деб сўрайди ўқувчилар жавоб беришади: It is________

Шундан сўнг шу сўз ёки гапни хор билан бир неча (2-3) марта кайтариш сўралади.

Ўқитувчи ўрганилаётган сўзнинг расмини доскага чизиб курсатиши ҳам мумкин, бу ўқувчилар учун янада кизикрок бўлиши мумкин. Сўз маъносини ўқувчилар томонидан тушуниб олинганлигини аниклаш учун What is the Uzbek for? сўрок гап конструкциясидан фойдаланилади.

Сўз маъносининг очиб бериш усулларидан яна имо-ишора, юз ифодаси ва харакат оркали курсатиш ҳам самарали усул хисобланади. Масалан: to sneeze, to sit, to open ва бошка сўзларнинг маъносини очиб беоишда жуда кул келади. Бу усуллар асосан харакатни ифодаловчи сўзлар (to close, to take, to write ва хоказо) бўлиб уларнинг маъносини очиб беришда ушбу усул яхши натижа беради, чунки у ўқувчиларда мотивацияни устиради ва фаолликни оширади ҳамда ўқувчилардаги бефарклик, локайдликни бартараф қилиб уларни ўқув жараёнида фаол иштирок этишларини таъминлайди. Бу эса янги ўқитиш технологиялари талабларидан бири хисобланади.

Сўз маъносини очиб беришда вербал усулни қўллаганда ўқитувчи янги ўрганилаётган сўзни маълум бир контекст ичида келтиради, талабалар эса уни тушуниб олишига харакат қиладилар:

There are many buildings in the city.

Our school is also a building. There are many large buildings in the city. They are hotels, schools, offices and cinemas. They are different buildings.

Ушбу контекстда "building" сўзи янги сўз сифатида дарс жараёнига киритилмокда.

Яна бир мисолни келтирамиз:

I know one boy.He is lazy. He gets up late. He doesn't want to work. So, he does nothing all day. He is lazy. We say to him "Don't be lazy"

Ушбу гапда “This boy is lazy” десак у “lazy” сўзининг маъносини очиб бермайди. Бунинг учун унинг маъносини очиб берувчи “he gets late, he does nothing all day” каби гаплар керак. Сўз маъносини очиб беришнинг ушбу усули купрок мавхум (абстракт) сўзларнинг маъносини таржимасиз усул билан очиб беришда қўлланилади.

Ўқитувчи маърўза давомида ушбу усулни талабалар томонидан қўлланилишини билиш ва уларни тушунганлик даражасини аниклаш учун “market”, “look for”, “visit” каби сўзларни келтириб талабалардан уларнинг маъносини очиб берувчи гапларни тўзишни сураш ҳам мумкин.

Бундай топшириклар маърўза давомида талабаларнинг қизиқишларини оширишга ёрдам беради ва уларни фаолликка ундайди.

Машқ қилиш босқичида ўқитишнинг «кубик» технология усулидан фойдаланиш ҳам ўрганилаётган янги сўзларни тушуниб, фикрлаб, мантикий боглик гаплар тўзишга ёрдам беради ва ўқувчиларда мулохазавий фикрларни устиради.

Бу усулдан фойдаланганда ўқитувчи ўрганилаётган сўзлар ифодалаган предметнинг рангини, шаклини ва вазифасини сурайди.

a red ball

Масалан: a ball a round small ball

play with a ball

Учинчи – босқич – ўрганилаётган лексик бирликларни нутқда қўллашга ўргатиш.

Лексик бирликлари турли нутқий вазиятларда қўллашга ўргатишни куйидаги ўқитиш техникаларидан бошлаш максадга мувофик, чунки улар ўрганилаётган сўзни контекстда ишлатилишини курсатишда самарали усул хисобланади.

1. Ўқитувчи доскага “cook” сўзини ёзиб куяди

| a | b |
|---|---|
| bake | store |
| boil | pot |

fry spoon
grill knife

Шундан сунг у кўргазмалилик асосида (расмлардан фойдаланиб) инглиз тилида ушбу сўзларнинг ишлатилишини нутқда курсатиб бериши ёки ўқувчилардан саволлар ёрдамида уларни кайси функцияда қўлланилишини сураш оркали ўқувчиларга ушбу сўзларни кайси нутқий вазиятда кайси маънода қўлланилишини курсатиб бериши мумкин.

Масалан: We usuall eat bread. How do we cook bread?
Do we boil, or bake it? What about soup?
Do we boil or bake? ва хоказо.

Сўнгра педагогик технология тизимидаги ҳамда интерфаол ўқитиш методидаги мухим компонентлардан бири хисобланган бахс-мунозрага асосланга, ушбу босқичда маълум мавзу устида бахс-мунозарани ташқил қилиш мумкин.

Бунинг учун эса талабалар ушбу мавзуга оид лексик бирликларнинг маъносини уларнинг гапдаги гап мазмунига боглик маъноларини аввал ўзлаштирган бўлиши лозим.

Баҳс-мунозарада эса асосий диккат эътибор сўз шаклига эмас, балки уни турли хил контекстда турли нутқий вазиятга мос қўлланилишига каратилади.

Бу каби машғулотларда ўқувчи – талабаларнинг синфда жойлашуви ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, ўқувчилар доира шаклдаги стол атрофида бир-бирларига юзма-юз тўрган холда утирсалар уларда нутқий куникмаларни шакллантириш ва эркин фикр юритиш ҳамда экстралингвистик омиллардан фойдаланиш осонлашади.

Бу эса уларнинг билим олиш имкониятларини кенгайтиради ўқувчиларнинг ўз-ўзини нутқий жараёнда назорат қилишлари учун имконият яратди.

Нутқий кўникмалар ҳосил қилишдаги яна бир муҳим омил бу гуруҳ-гуруҳ холдаги машғулотларни ташқил қилиш хисобланади. Синф 5-6 ёки 4-5 ўқувчидан иборат майда гуруҳларга бўлинади ҳар-бир гуруҳ берилган топширик юзасидан ўз фикрини билдиради.

Ишнинг бу каби жамоавий шаклида гуруҳдаги хар-бир ўқувчига маъсулият юкланади. Ишни бундай ташқил қилишда мавзуни олдиндан бериб куйиш ҳам самарали усул хисобланади, чунки ўқувчиларга уйда мустақил ўқиб ўрганишлари учун имкон яратилади.

Энди эса айрим бир дарснинг технологик харитасини тўзиш билан боглик айрим масалаларни кўриб чикамиз. Маълумки янги ўқув материалини дарс жараёнига киритиш намойиш қилиш, хикоя, тушунтириш иллюстрация ёки видео уссуллар орқали амалга оширилади. Бу бир неча босқичдан иборат.

1-босқич. Ушбу босқич тайёрлов босқичи хисобланиб, унда ўқитувчи янги ўзлаштириладиган ўқув материалининг мавзусини, максадини аниқлайди ва ўқув жараёнининг батафсил режасини ишлаб чикади, зарур бўлган кўргазмали кўролларни танлайди.

2-босқич. Ўқитувчи мавзуни баён қилади ва дарснинг мақсадини ҳамда кутилаётган натижани маълум қилади. Ўқувчилар мавзуни ёзиб оладилар.

3-босқич. Ўқув материали кўргазмалилик асосида баён қилинади, яъни ўқув жараёнига киритилади. Бунда турли фаоллаштириш усулларидан фойдаланиб ўқувчиларда ўқув материалига нисбатан мотивация хосил қилинади. Ўқувчилар ўқитувчининг сўзларига қулок солишади ва тушуниб олишга ҳаракат қиладилар. Сунг ўқитувчи саволларига жавоб бериш орқали ўрганилаётган фонетик, лексик ёки грамматик материалини чўқуррок тушуниб оладилар.

4-босқич. Ўқитувчи ўқувчиларга таркатма материалларни тарқатиш, оркали турли кўргазмалилик асосида ўқувчиларни мисоллар келтиришга, берилган саволларга жавоб беришга ундайди. Олдиндан тайёрлаб қўйилган топшириклар ёрдамида ўқувчиларнинг дарс жараёнидаги фаоллиги оширилади. Ўқувчилар эса ўқитувчининг топширикларини бажарар экан муаммоли вазиятларни мухокама қилишади, машқлар бажаришади.

5-босқич. Ўқитувчи ўрганилаётган тил материалини ўз ичига олган нутқий вазиятлар муаммоли топшириклар оркали ўқувчиларда нутқий куникмаларни хосил қилишга харакат қилади. Бунда гуруҳ-гуруҳ, жуфт-жуфт бўлиб ишлаш каби иш усулларидан фойдаланади.

Ўқувчилар ўрганилаётган сўзлар ёки грамматик материални ўз нутқий фаолиятларида қўллашга харакат қиладилар. Ушбу босқичда ролли уйинлардан фойдаланиш ўқув вазиятларини табиий нутқий вазиятларга якинлаштиради. Бу эса ўқувчилардаги психологик тусиқларни олиб ташлашга ёрдам беради ва чет тилидаги нутқий мулоқотни амалга оширишга нисбатан истак хохишини оширади.

## 1.3 Кичик мактаб ёшдаги ўқитувчилар учун чет тил дарсларини ташқил қилишнинг дидактик асослари.

Дидактик тамойиллар назарий дарс ва инструқтаж мазмунлари, усули ва ташқил қилинишига тегишлидир. Дидактик тамойиллар ўқитиш ва ўқиш жараёнида қоидалар сифатида қўлланиш учун ишлаб чиқилган. Уларни ҳар доим ҳам бир биридан аниқ ажратиб бўлмайди.

Қуйидаги принциплар қандайдир тушунчалар эмас, балки ўқитиш ва ўқиш вазиятларини самарали ташқил қилиш буйича қоидалар бўлиб, касб-ҳунар таҳлими амалиётининг тажрибасига асосланган.

1. Фаоллик тамойили.

Ўқувчи ўзи ҳаракат қилган пайтда энг яхши ўрганади ва ўзлаштиради. Шунинг учун ўқув вазияти шундай ташқил қилиниши керакки, ўқувчи бир неча иш-харакатлар қилиниши керак бўлсин.

Ўқувчилар ҳар бир дарсда унумли равишда фаол бўлиши лозим, чунки ўзи ниманидир қилаётган пайтда ўқувчи бу нарсани онглирок равишда ўзлаштиради ва бу билим хотирасида чўқуррок ўрнашиб қолади. Бунинг натижасида ўқувчилар билимларини яхширок ва чўқуррок ўзлаштиради ва эслаб қолади ҳамда уларнинг қизиқиши ортади. Баҳзи бир квалификацияларга эса, масалан мустақил ва индивидуал равишда ўрганиш каби қобилиятларга факат шу тарзда эришиш мумкин холос. Бунинг учун, албатта, инструқтор ёки ўқитувчи жуда яҳши услубий қобилиятларига ва кўникмаларига эга бўлиши керак.

2. Назария ва амалиётни бир бири билан боглаш тамойили.

Нима ўқитилаётган ёки ўқилаётган бўлса ҳам, бу нарса албатта амалиётга тааллўқли бўлиши шарт. Бу ўқувчиларнинг ўқишга иштиёьини кучайтиради, чунки улар касб-ҳунар амалиётида ҳақиқатдан ҳам қулланиладиган билимларни ўрганаётганликларини билади. Назарий билимлар доим касб-ҳунар амалиёти билан боьланиши лозим. Амалий таҳлим ҳам ўз навбатида назарий билимларга асосланган бўлиши керак.

3. Кўргазмалилик тамойили.

Машьулот жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал ўрганиш-ўзлаштиришини кучайтириш учун ўқув материалини ўзлаштириш пайтида иложи борича купроқ сезги органлари ишга столиниши керак. Билимларни иложи борича кўргазмали ва реал ҳаётга яқин қилиб тақдим қилиш – бир томондан тилнинг тушунарлилигини ва таҳлим жараёнида аудио-визуал воситалардан фойдаланишни талаб қилса, иккинчи томондан, у бевосита иш холатида ва реал объектларда ўқитишни талаб қилади. Дарс жараёнида билимларни кўргазмали берилса, ўқувчилар бу билимларни ўзлаштиришлари асонлашади ва ўқув жараёни янада қизиқарли бўлади. Реал обҳектларда ўқитиш доим энг биринчи уринда туриши керак.

4. Тушунарлилик тамойили.

Ўқув материалининг мазмуни шундай танланган ва тўзилган бўлиши керакки, ўқувчилар уни ўзларининг аввалги билимлари билан боьлай олишлари ва уни тушунишда қийналмаслиги лозим. Яҳни ўқув материалининг мазмуни, шунингдек ўқитувчи ва иснтрЎкторнинг тили ва фикрларини ифодалаш усули ўқувчининг билим савиясига мос келиши лозим, аммо бу ўқитувчи илмий тилдаги терминлардан фойдаланмаслиги керак дегани эмас.

5. Намуналардан фойдаланиш тамойили.

Ўқитувчи ёки инструқтор ўқув материалининг мазмунини тушунтириш учун ҳар доим яхши намуналарни танлашга ҳаракат қилиши керак. Яхши модел, амалиётдан типик мисоллар, яхши ҳамда ёмон маҳсулотлар ҳам кутилган даражадаги натижанинг сифати қандай бўлиши ёки бўлмаслигини аниқ курсатади.

6. Дидактик редуқция тамойили.

Берилаётган билимларни ўргатиш учун бу билимлар керакли миқдоргача қисқартирилиши лозим. Ўқув материалининг ҳажми жуда катталиги сабабли, ундан айнан касб-ҳунар вазифаларни бажариш учун керакли қисмлар танлаб олиниши керак.

Комплекс ва мураккаб топшириқлар доимо дидактик равишда осонлаштирилиши лозим, лекин маҳноси ўзгармаслиги шарт. Шунинг учун, агар фақат бошланьич билимлар керак бўлса, ўқув материалини иложи борича оддийроқ тушунтиришга ва ниҳоятда куп ва кенг ўқув материали билан ўқувчини қийналмасликка ҳаракат қилиш керак. Тажрибали ўқитувчи мураккаб нарсаларни осон сўзлар билан тушунтира олади.

7. Илмийлик тамойили.

Ўқув материали шундай танланиши керакки, у ҳақиқий ва илмий жиҳатдан аниқ тасдиқланган ёки илмий тадқиқотлар асосида синалган бўлиши керак, шунингдек, фаннинг янги ютўқлари ва кашфиётларини ўзида акс эттириши лозим. Ўқитувчининг тахминига ёки субҳектив фикрига асосланган материал қулланмаслиги керак. Ўқитувчи ўргатган билимлар албатта назарий тасдиқланган ва амалда синалган бўлиши шарт.

8. Билимларни қуллаш тамойили.

Ўқитувчи ўргатган билимларни ўқувчилар амалда қуллай билишлари керак. Шунинг учун ҳам бу билимлар қуллашда ва амалий вазиятда синалган бўлиши зарур. бундай амалий вазиятлар ўқитувчи томонидан яратилиши лозим.

9. Натижаларни мустаҳкамлаш тамойили.

Киши кўрган, эшитган ёки қилган нарсалар тез унутилиши мумкин. Шу сабабли албатта машқлар утказиш ва муаммо ҳамда саволлар эчимини топиш зарур. Ўқишдаги муваффақият баҳоланиши ва тан олиниши керак. Бу ўқитувчи ва ўқувчи уртасида доимий ўзаро алоқа бўлишини талаб қилади, натижалар эса махсус «Баҳолаш вароклари» да қайд қилиниши керак.

Маҳлумки, дидактик принциплари билан бир қаторда ўқитишнинг асосий қоидалари ҳам бор. Улар, умуман олганда, ўқитувчи фаолиятининг ақлий сифатида хизмат қилади, алоҳида олганда эса тушунарлилик принципини қуллаб-қувватлайди.

Таянч иборалар: натижа, билим, тамойил, баҳолаш, дидактик редукция, дидактик принциплар.

## Иккинчи боб. Замонавий педагогик кадрлар тайёрлашга қуйиладиган талаблар ва иккинчи синф ўқувчилари учун “Инглиз тили” дарслигини яратиш масалалари.

### 2.1 Чет тил ўқитувчиси ва унгинг шаҳсига қуйиладиган талаблар.

XX аср охири XXI аср бошларига келиб иктисодий ва интеллектуал жиҳатдан ривожланган мамлакатлар ўртасидаги пойга илм-фан техника ҳамда таълим соҳаларига ҳам кўчди. Маълумки, маънавияти юксак, билимли етуқ мутахассислар етиштириш узлуқсиз таълим тизимининг кўйи погонаси бўлмиш боғча, ундан сўнг мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари зиммасига тушади. Бу жараённинг иштирокчиси, масъули ўқитувчи (устоз) педагоглардир. Халқимизда ажойиб накл бор: “Нима эксанг - шуни ўрасан”. Демак, замонавий ўқитувчининг билимлар кулами, профессионал махорати, шахсий инсоний жихатлари кай даражада бўлса, ўқувчиларнинг билими, куникма, малакалари ва маънавияти ушандай деб уйлаймиз.

Таълим сифатини таъминлашда педагогик технологиялар, метод ва усулларнинг роли хақида кўп гапирамиз. Вахоланки, бизнинг фикримизча, ўқитувчи таълим ва тарбия жараёнининг бош иштирокчиси экан, унинг фидойилиги, ташаббусқорлиги, ижодкорлиги, шахсий ибрати бўлгуси мутахассис кадрлар етиштириш жараёнида хал қилувчи роль уйнайди деб уйлаймиз. Чунки ўқитувчи ўқитувчи бўлсин, устоз бўлсин, уша биз айтган илгор ва замонавий инновацион технологияларни ҳам, ўқитиш усулларини ҳам, тарбия технологиялари ҳам яратувчиси ва амалиётга татбик этувчиси ўқитувчи бўлади.

Рақобат бардош кадрлар тайёрламай туриб, жаҳондаги ривожланган мамлакатлар билан ракобатлашиб бўлмайди. Асосий максад халк хужалигининг барча сохаларида малакали кадрлар тайёрлаш оркали ракобатбардош хизматлар курсатиш, ракобатбардош товарлар ишлаб чикариш- бу мамлакатни, халкни тараккиёти ва фаровонлигини таъминлайди.

Л. В. Перегудовнинг фикрича, ракобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимидаги энг мухим звенолар куйидагилар:

-Юкори малакали мутахассислар тайёрлаш, янги гоя ва билимларни ўзларида мужассам этган илмий (магистрлар, фан номзодлари ва докторларипедагогик кадирлар)

-Шахсни тарбиялаш ва унга янги билимлар бераётган педагог кадрлар (мураббийлар, ўқитувчилар)3.

Ўқитувчи ва мураббий ана шундай масъулиятли вазифаларни зиммасигаолган экан. у жамият тараккиётининг маълум бир даври талаблари даражасидабўлиш лозим. Ўқитувчи ва соха масъуллари куйидаги беш мухим жихатларни ўзида мужассам этиш керак бўлади:

- У ёки бу сохалар буйича билимларга эга бўлибгина колмай, у дунёни яхлит, мунтазам рижовланувчи мураккаб система сифатида кабўл қила олиш кобилиятига ҳам эга бўлиш;

- педагогик психологик билим ва куникмаларга эга бўлиш;

-юксак, умуминсоний, сиёсий маданият, инсонпарварлик сифатларига эга бўлиш;

-таълим ва тарбиянинг янги технологиялари, ижодкорлик методларини эгаллаган бўлиш;

-мунтазам равишда билим, малака ва куникмалари, маънавияти ва маданиятини ривожлантириб бориш лозим.

Юкорида санаб утилган талабларни ижросини таъминлаш купрок малака ошириш ва кадрларни кайта тайёрлаш тизими зиммасига тушади. Бу тизим ўқитувчи шахсига нисбатан талабларни мунтазам усиб бориш керак бўлади. Шунинг баробарида, ўқитувчи ва илмий- педагогик кадрларнинг кунлик фаолиятларида ўз билим ва махоратларини ривожлантириб боришлари ҳам катта роль уйнайди. Профессор ва ўқитувчилар малакаларининг даражасини одатда аттестация ва ўз-ўзини бахолаш курсатади. Ўз бахосинибилган ўқитувчи, ундан сунг ҳам ўз устида мунтазам

---

[3] Перегудов Л.В. Модель современного преподователя и её обеспечение: “ Ta’lim muammolari” 1999, № 1-2,3

ишлашга харакат қилади, ўз фани буйича^билимларини янги ва замонавий билимлар билан чўқурлаштиришга интилади, педагогик махораЪш янада ошириб боради.

Агар ўқитувчи фаолиятини мунтазам бахолаб борилса, бу тадбир ўқитувчининг масъулиятини оширади, ўз имкониятларини тулаконли намойиш этишга олиб келади. Албатта, ўқитувчининг ижодий фаолиятлари , ютўқлари моддий ва маънавий жихатдан рагбатлантириб борилиши керак. Ўқитувчи фаолиятини бахолашда куйидаги талабларга амал қилингани максадга мувофик деб уйлаймиз:

Демак, спортга ихтисослашган муассасаларда тахсил олаётган ўқувчилар нафакат жисмонан, балки, аклан ҳам етўқ бўлиши даркор. Бошка фанлар билан бир каторда инглиз тилини ҳам чўқурлаштирилган холда ўрганишлари керак.

Республикамиз хуқумати, Президентимиз томонидан халқ таълими сохасида ўртага кўйилаётган улкан вазифаларни муваффакиятли бажарилиши кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлик. Янги иктисодий сиёсатга ўтиш шароитида тарбиядан кутилаётган мақсадларга эришиш ўқувчиларнинг хилма-хил фаолиятини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътикодли, мехнатсевар ва баркамол инсон қилиб устириш ўқитувчи зиммасига юклатилган. Халқимизнинг келажаги, мустақил давлатимизнинг истикболи куп жихатдан ўқитувчига, унинг савиясига, тайёргарлигига, фидойилигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боглик. Сунги йилларда университетларда, педагогика институтлари ва педагогика билим юртларида ўқигувчилар тайёрлашни яхшилашга каратилган купгина ишлар амалга оширилди. Чунончи, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини кучайтириш, иҳтисосга дойр фанларни чўқур ўрганиш ва педагогик махоратни эгаллаш, назарий билимларни амалиётда қўллашга ўргатиш масалаларига эътибор кучайди. Республикамизда ўзлўқсиз педагогик таълим гояси амалга оширилмокда. Шу муносабат билан ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни кайта тайёрлаш иши давлат ва

жамоатчилик диккат марказига куйилди. Бу тадбирлар университет ва педагогика институтларининг махсус факультетларида, малака ошириш институтларида амалга оширилмокда. Ўқитувчиларни фалсафий жихатдан кенг фикрловчи, мулохазали бўлишларига катта эътибор берилаётир.

Республикамиз Президента И.А.Каримовнинг таъкидлашича, «Тарбиячилар замоновий билим бериш, уларнинг маълумотини, ўқитувчи фаолиятининг мухим кирраларини камраб олган мезонлар асосида бахолаш объектив бўлиши лозим;

Бахолаш белгиланган мезонларига катъий риоя қилган холда амал қилиниши лозим.

Амалиётдаги мезонлар асосида топширилган ва олинган натижалар ишончли бўлиши лозим;

-бахолашнинг мотивацион киммати;

-бахолашнинг ўз вактида (муддатида) амалга оширилиши.

Ўқитувчи фаолиятига берилган баҳо унинг келажакда фаолиятининг оқсоқ томонларига эътибор беришига туртки бўлади. Керак бўлса у малака оширади.

Замонавий ўқитувчининг модели кандай бўлиш керак, деган савол тугилади. Замонавий ўқитувчи кандай бўлмоги зарурлиги “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида” ўз аксини топган. Унда ривожланган давлатлар тажрибасидан самарали фойдаланган холда ракобат бардош кадрлар тайёрлаш ва баркамол авлодни тарбиялаш вазифаларидан келиб чиккан холда ўқитувчи шахсига катор талаблар куйилган. Уларнинг энг асосийлари куйидагилар:

-ўқитиш салохиятига эгалиги;

-тарбиялаш салохиятига эгалиги;

-ўқувчилар билимларини хакконий назорат қилиш салохиятига эгалиги;

-ўқитувчининг шахсий сифатлари.

Ўқитиш салохияти ўқитувчининг педагогик фаолиятига мойиллиги ва педагогик- психологик жихатдан тайёргашшги асосига курилади. Ўқитувчи

янги педагогик технологияларни батафсил эгаллаган бўлиши, бунда у ўз фанини чўқур билиши, профессионал салохият ва умумий билимларни эгаллаган бўлиши назарда тутилмокда. Табиийки, агар ўқитувчида ўз фаолиятини мунтазам равищда такомиллаштириб боришга бўлган иштиёк бўлмаса, унинг салохияти ва малакаси ошмайди.

Ўқитувчининг тарбиялай олиш салохияти деганда ўқитувчининг юксак маънавий сифатлари, маданияти, шахсий ибрати асосида ўқувчиларда ижобий ахлокий жихатларни, маданият ва тафаккурни шакллантирищдаги фаолияти, кобилияти тушунилади.

Ўқитувчи юкоридаги талаблар каторида ўқувчилар билимларини бахолаш механизмларини яхши билган холда билимларни одилона, холисона, хакконий бахолай олиши зарур. Олий таълим тизими учун олий ва урта махсус таълим вазирлиги томонидан 2010 йил 29-август №333 буйруқ билан тасдикланган талабалар билимини бахолашнинг рейтинг тизими хақидаги Низомни олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари билиши керак бўлади.

Ўқитувчининг шахсий сифатларига бошкаларга ибрат бўладиган одиллиги, адолатпарварлиги, холислиги, мурувватпешалиги, юмор ва бошка фазилатлари киради. Бу сифатлар ўқитувчига таълим ва тарбия жараёнини муваффакиятли амалга оширишга ёрдам беради.

Юкоридагилар ўзлўқсиз таълим тизимининг барча боскичларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларга таалўқлилиги учун ҳам аҳамиятлидир.

Ўқитувчи фаолиятини бахолаш мураккаб масала. Гарчанд, бозор муносабатлари шароитида ўқитувчи фаолиятининг самарасини эхтиёж ва тайёрланган мутахассис тан нархи билан белгиланадигандек туюлсада, аслида бундай эмас. Биринчидан, таълим муассасаси битирувчисини бир ўқитувчи эмас, жамоа тайёрлайди. Иккинчидан, ўқитувчининг конкрет педагогик фаолияти билан унинг натижаси уртасида вакт жихатдан масофа бор. Акс алока шу боис анча кеч амалга ошади.

Аслида ўқитувчи фаолиятининг бахоси, аник вакт оралигида амалга ошиши лозим. Ўқитувчи фаолиятига бахо хар куни, хар хафта, хар ой, ярим йилда ёки ўқув йили якунига кура амалга оширилгани максадга мувофик деб уйлаймиз.

“Педагог” сўзи грек тилидан кириб келган бўлиб, у “тарбиячи” деган маънони англатади. У ёш авлодга тарбия, таълим беради, ўқитади. Бу соха буйича махсус тайёргарликдан ўтган бўлади. Педагог - педагогиканинг назарий муаммоларини ишлаб чикувчи, тадкик этувчи олимдир ҳам. Педагог педагогик вазифасини бажаради. Унинг энг мухим педагогик вазифаларига таълим. тарбия, ўқитиш, ўқувчи ва талабаларни ривожлантиришлар киради. Энг асосий вазифаси эса таълим ва тарбия жараёнини бошкаришдир.

Ўқитувчи ўқувчига ўрганиш йулларини кўрсатиб беради, тўғри йуналишга солади. Талаба ёки ўқувчидан танхо эмас, балки улар билан бирга бўлад, уларга курсатиб беради, ёрдам беради, сайи харакатларини йуналтириб, бошкариб туради. Ўз ишининг хакикий устаси бўлган педагог таълим тарбия жараёнида “кадр ортида” колади. Талаба, ўқувчилар ўқув фаолияти эркин, мустақил, ижодий тарзда кечадиган муҳит яратади. Ўқитувчи ва ўқувчи (талаба) ўртасида педагогик мулокот жараёни кўзатилади. Унинг мулокотга кириша олиш махорати, ўқувчи, талабалар дилига йул топа олиш кобилияти педагогик максадни муваффакиятли амалга оширишда мухим роль уйнайди. Бугунги талаб дарсда ўқитувчи “хоким” эмас, балки ҳамкор бўлиши керак. Ҳамкорлик педагогикаси ўқитувчи, ўқувчи муносабатларини тенглик, шериклик, эркин фикр асосида ташқил этиш тарафдори.

Ўқитувчи профессионал салохиятга эга бўлиши керак. Бу касб махсус билимлар, малакалар, тафаккур ва мулокот усулларини талаб этади. Улар ичида ўз фани буйича чўқур ва сунгги билимларни эгаллаган бўлиши, фанни ўқитиш методикасини билиши, психологик жихатдан тайёргарлиги, кенг микёсдаги маданиятга эга бўлиш жихатлари жуда мухимдир.

Барчамизга маълумки, 2012-йил 10-декабрда Ўзбекистан Республикаси Президентининг '‘Чет тилларини Ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида” ги ПК№- 1875 сонли карори кабўл қилинди.

Ушбу карорнинг 1-бандига мувофик 2013-2014 Ўқув йилидан бошлаб республиканинг барча худудларида чет тилларини, асосан инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг 1-синфларидан бошлаб ўқитилиши кўзда тутилган ва бу мувафақиятли йўлга қўйилди.

Бунда энг аввало шахснинг жисмоний-рухий тайёргарлиги етакчи урин эгаллайди. Шу билан бирга болаларнинг ёш хусусиятлари алохида инобатга олинади. Чунки таълим бериш жараёнида ўқувчининг хар бир ёш даврига хсс аклий' кобилияти, идроки, диккатнинг давомийлиги, хотира ва фикрлаш кобилияти хисобга олинади. Ва худди шу хусусиятлар асосида барча фанлар буйича ДТС лар ишлаб чиқилади ва ишлаб чиқилди ҳам.

Юкоридаги карорга мувофик ишлаб чиқилган дастўрга кура бошлангич синфларда инглиз тилини ўргатиш бир неча боскичларда амалга оширилади. Яъни 1-синфларда ўқувчиларда "тинглаб-тушуниш” ва “гапириш" куникмаларини шакллантириш;
2-синфдан эса алифбо, Ўқиш ва грамматикани ўргатиш йўлга қўйилади.

Инглиз тилида нутк фаолияти турларини ўргатиш мухимдир. Улар оркали маълумот олинади, маълумот берилади. Бу эса инглиз тилини ўқитишнинг максадини ташқил қилади. Маълумот олиш тинглаб тушуниш ва Ўқиш оркали амалга ошса, маълумот бериш гапириш ва фикрни баён қилиш оркали амалга ошади.

Тинглаб тушуниш-сўзловчининг нуткини радиодан, магнитафондан, пластинкадан ва мулокот пайтида тинглаб тушуниб, маълумот олишдир.

Табиийки, бу жараёндаги энг катта ва асосий муаммо шубхасиз синф хонасининг зарур техника воситалари ва анжомлари билан таъминланганлигидир.

Шу билан бирга тинглаб тушунишнинг таянч воситалари хисобланган мазмунли расмлар ва кўргазма обьектларинг мавжудлиги ҳам асосий масала хисобланади.

Ўқувчиларда тинглаб тушуниш кўникмаси канчалик яҳши эгалланган бўлса, гапириш ҳам шунчалик тезлик билан ривожланади. Бу жараённинг асосини ўзаро эркин фикрлаш муҳиги ташқил қилади. Бунда албатта Ўқитувчининг роли мухимдир. Ўқитувчи бу муҳитни синф рухиятини ва кобилиятини ҳисобга олиб ташқиллаштириши керак.

Инглизча гапириш 3 хил 1) монолог 2) диалог 3) полилог шаклда амалга оширилади.

Биринчи усулда ўқувчиларнинг ёш хусусиятига мувофик содда, қисқа ва энг асосийси қизиқарли шеър, кўшик ва хиқоялар танлаб олиниши зарур. Иккинчи усулда эса синфда диалог мавзусига мос табиий муҳитни шаклантириш айникса ёш болалар ўртасида яҳши ва кўтилган самара беради. Масачан: “Shopping” мавзусидаги сотувчи ва харидор ўртасидаги диалог учун синфда кичкина бозор ёки дўкон макетный яратиш ўқувчиларнинг қизиқишини янада оргиради.

Учинчи шаклда кўпрок турли мавзуларни ролли кўринишда саҳналаштириш ўқувчиларнинг бутун диққатини жамлаш имконини беради.

Бўларнинг барчаси ўқитувчидан биринчи навбатда билим даражасидан кўпрок актёрлик ва психологик маҳоратни талаб этади. Яъни бугунги кун ўқитувчиси бир пайтнинг ўзида олий таълим талабасига ҳам бошлангич мактабнинг 1-синф ўқувчисига ҳам таълим бераолиши керак.

Янги қарор кабул қилингунга кадар инглиз тили чет тилларини ўқитишга иҳтисослаштирилган маҳсус мактаб ва гимназияларни инобатга олмаган ҳолда умумий ўрта таълим макгабларининг 5-синфидан бошлаб ўқитилган. Бугунги кунгача дарс жараёнини ташқил этишда қўлланилган ўқитиш методлари янги давр учун мос келмаслиги табиий.

Шунга кўра мавжуд методларни кайта таҳрир қилиш ҳамда дастур талабларидан келиб чиққан ҳолда янгидан-янги методларни ишлаб чиқиш

зарур. Айни шу максадда Халқ таълими Вазирлиги ва турли хорижий олий ўқув юртлари ҳамда ваколатхоналари мутахассислари ҳамкорлигида ўқув-тренинг машғулотлари ташқил этиш кўзда тутилган. Бу харакатнинг вазифаси бутун республика микёсида 16000 дан ортик ўқитувчи ва мураббийларнинг малакасини ошириш ва уларни кайта тайёрлашдир. Хозирда бу жараён йулга куйилмокда.

Хорижий тилларни ўқитишда ДТС ларининг халкаро таълим стандартларига мувофиклигини таъминлаш ва шу асосида янги дастурий ва ўқув қўлланмаларини яратиш ҳам ушбу муаммонинг энг устувор йуналишларидан биридир.

Юкоридаги масалалардан келиб чикиб, эртанги кун чет тили ўқитувчиси, яъни филолог сифатида бизнинг олдимизда тўрган асосий вазифа малакали ўқитувчи мутахассислар иш тажрибасини ўрганиш билан бир каторда давр талабидан келиб чикиб фақатгина ўзимизга хос бўлган янгидан-янги ўқитиш шакл ва методларини яратиш ва уларни амалиётга тадбик этишдир.

## 2.2 Умум таълим мактабларининг иккинчи синф ўқитувчилари учун инглиз тили дарслиги яратиш масалалари.

Дарслик ўзлуқсиз таълим тизимининг барча боскичлари таълим жараёнининг таркибий кисми сифатида замонавий Ўқув жараёнини максадли ва сифатли амалга отиришнииг энг мухим омилларидан бири хисобланади.

Ўзбекистон ўзлуқсиз таълим тизимига инглиз тилини умумтаълим мактабларининг 1-синфидан Ўқитилишини йулга куйиш амалиёти катор ташқилий ва услубий ишларни амалга оширишни талаб этмокда. Ана шулардан бири куйи синфлар учун яратиладиган дарсликлар кандай бўлмоги кераклиги масаласидир. Бу борадаги фикр-мулохазаларимиз куйидагича:

Иккинчи синфлар учун дарслик уч китобдан иборат бўлиши максадга мувофик. Биринчи китоб инглиз тили Ўқитувчиси учун мулжалланган бўлиб, тил материалларини Ўқувчиларга осон ва тез такдим этиш ва ўргатиш усуллари, огзаки ва ёзма машқларни качон, кай тартибда, кай микдорда ва кандай шароитларда ўргатишнинг самарали технологиялари буйича услубий тавсия ва курсатмаларни ўз ичига олади. Бу китоб мазмун мохиятига кура Ўқитувчини ижодий фаолиятга ва ташаббускорликка йуналтирувчи хусусиятга эга бўлиши лозим. Уни '‘Teacher’s book” деб аталиши максадга мувофик.

Иккинчи китоб Ўқувчиларга мулжалланган бўлиб уни "‘First Step to English" (Инглиз тилига биринчи кадам) деб номланади. У фан дастурида кўзда тутилган Ўқув соатларига мувофик равишда ишлаб чиқилган даре (lessons) лардан иборат бўлади. Китоб мазмун-мохияти билан Ўқувчиларда Ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш, сўзлашиш куникмаларини шакллантирувчи машқлар тизимидан иборат бўлиб, улар аудио диск(лар)га ёзилган бўлади ва Ўқиш китобига илова қилинади.

Хар бир дарс фонетик, лексик, грамматик машқлардан иборат бўлиб, улар огзаки ва ёзма равищда бажарилади.

Фонетик машқлар харф ва харф бирикмаларини турли куршовларда тугри талаффўз этишга, сўз ва гапларни тугри Ўқиш ва ёзишга ўргатади.

Инглиз тили алфавитидаги харфлар билан таништириш тахминан 30 та машгулот мобайнида амалга оширилгани макбўл. Колган машгулотларда сўз ва гапларни тугри талаффўз этиш ва Ўқишга ўргатувчи машқлар бериб борилади. Алфавит билан таништириш ўзбек тилида мувофик товуш ва харфлари бўлган харф ва товушлардан бошланиб, кейинги боскичларда турли куршовларда турлича товуш берувчи харфлар, харф бирикмалари таништирилади. Тугри талаффўз ва ёзиш куникмалари коидалар оркали эмас, балки мисол ва машқлар оркали таркиб топтирилади. Маеалан: дастлаб Bb, Dd, Ff, Hh, Jj, Kk, LI, Mm, Nn, Pp, Qq, Ss, Tt, Zz кейин Cc, Gg, Xx, Ww хдрфлари, ck, th, ph, sh, ch каби харф бирикмалари ва унли харфлар таништирилгани макбўл. Наъмуна: Bb [b]: Bob, big, brick, bad, bag, bee, bike, box, but кабилар. Товуш ва сууiар тинглаб такрорланади.

